



20 20 у « 1 » июль

№ Қ-301

« » 20 г.

Музработ тумани “Янгиобод” массиви худудидан “MUZRABOT IMPEX GOLD” МЧЖга енгил конструкцияли “Иссиқхона” ташкил этиш учун вақтинча ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 03-02/338-сон йиғилиш баёни ва Музработ тумани ҳокимининг 2020 йил 05 июндаги 01-05/120-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 03-02/338-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Музработ тумани “Янгиобод” массиви худудидан “MUZRABOT IMPEX GOLD” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 103-дала контуридаги жами 10,7 гектар, шундан 10,4 гектар суғориладиган экин ер, 0,2 гектар сув ости ерлар, 0,1 гектар йўллар билан банд ер майдонларида енгил конструкцияли “Иссиқхона” ташкил этиш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “MUZRABOT IMPEX GOLD” МЧЖ бошлиғи И.Юлдошевга: ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши:

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Музработ тумани ҳокимлиги (Э.Алимов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов